



## THEORETICAL DESCRIPTION OF CORRUPTION RISKS IN HIGHER EDUCATION

Kusherbaev Rasul Khidiraliyevich <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Master of Tashkent State Law University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4737562>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> April 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> April 2021

Online: 30<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

*corruption, the concept of corruption risks, forms and characteristics of corruption offences.*

### ABSTRACT

*The article highlights the relevance of the fight against corruption in higher education today, the main theoretical concepts that play an important role in the study of corruption features of this sphere.*

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Кушербаев Расул Хидиралиевич <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тошкент давлат юридик университети магистри

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

*коррупция, коррупциявий хавф-хатар тушунчаси, ҳуқуқбузарлик шакллари, хусусиятлари*

### ANNOTATSIYA

*Мақолада бугунги кунда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш масаласининг долзарблиги, мазкур соҳани коррупциявий жихатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган асосий назарий тушунчалар ёритилган.*

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Коррупциядан ҳоли жамият ва давлатни яратиш мамлакат тараққиётининг мустаҳкам кафолати бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев – 2018 йил 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Коррупция билан ҳеч қачон



мақсадимизга эриша олмаймиз”,<sup>1</sup> деб таъкидлаган эдилар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаларида, “*олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз*”,<sup>2</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.

Барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклигини таъминлаш, жамоат ва парламент назоратининг механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда.

Жумладан, таълим соҳасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш билан мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълим соҳаси коррупцияга қарши курашишда муҳимлиги билан ажралиб туради, чунки олий таълим меҳнат фаолиятига йўлланма берувчи якуний таълим босқичи ҳисобланади. Бугунги кунда республикада 114 та, улардан 93 таси

маҳаллий, 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва филиаллари мавжуд бўлиб, уларда бакалавриат йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг талаба таълим олаётгани, сўнгги 3 йилда бу кўрсаткич 1,7 бараварга ошгани олий таълим соҳасини давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини белгилаб беради<sup>3</sup>.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида, олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаб бериши белгилаб қўйилган<sup>4</sup>. Коррупциянинг олий таълим тизимида кириб борганлиги янгилик эмас, лекин биринчи қадамда мазкур соҳада коррупцияга қарши ислохотларни амалга ошириш лозим бўлади. Зеро, барча соҳаларда жадал ўзгаришлар амалга оширилаётган вақтда ҳар томонлама етук олий маълумотли кадрларга эҳтиёж катта бўлади.

Бундан ташқари, олий таълим “коррупциянинг дастлабки мактаби” ҳисобланади, чунки бу фаолиятда талаба ўқитувчи билан тўғридан-тўғри ҳуқуққа зид фаолиятга киришади ва унда коррупцияга мойил шахсият шаклланиб боради<sup>5</sup>. Келажакда коррупциявий ҳаракатларга мойил кадрнинг масъулятли лавозимни эгаллаши жиддий коррупциявий оқибатларни келтириб чиқариши аниқ.

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2018 йил, 7 декабрь, газета.uz.

<sup>2</sup> Интернет манзили: <http://uza.uz>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2013 й., 41-сон, 543-модда.

<sup>5</sup> Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе [Электронный ресурс] // Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58. Электрон. версия печат. публ. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-korrupsiiv-vysshhey-shkole>. Научная библиотека Кибер Ленинка (дата обращения: 12.02.2016).



Шунга кўра, мазкур соҳанинг муҳимлик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилиниб<sup>6</sup>, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини ёритишдан аввал “коррупция” тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Коррупция атамаси лотинча “corruption” сўздан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади<sup>7</sup>. Кейинги қарашларга кўра коррупция атамаси лотинча “corruptere” сўздан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади<sup>8</sup>.

Дастлаб миллий қонунчилигимизда коррупция тушунчасига таъриф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра, **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир<sup>9</sup>.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида белгиланган “Пора олиш” жиноятида келтирилган таърифни коррупция тушунчасининг қонуний ёзма таърифи сифатида тушуниланган. Мазкур моддага кўра, пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши тушунилади<sup>10</sup>.

Коррупция тушунчасига таъриф беришда назарий жиҳатдан икки хил ёндашув, яъни кенг ва тор маънолардаги ёндашув мавжуд.

Тор талқин тарафдорлари ҳукумат вакилларининг порахўрлигини коррупция деб аташади. Жумладан, А.И.Долгова ва С.В.Ванюшкинларнинг фикрича, “давлат хизматчилари ва бошқа ходимларнинг пора эвазига сотилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса ёки шахсий, тор доирадаги тижорат манфаатлари учун давлат хизматчилари

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

<sup>7</sup> Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.

<sup>8</sup> Интернет манзили: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 03/19/586/4106-сон.



ваколатлари, обрўлари ва имкониятларидан фойдаланиши ҳисобланади<sup>11</sup>.

Коррупция тушунчасига кенг маънода таъриф берувчилар фақатгина мансабдор ва хусусий шахс ўртасидаги жиноий битимга эмас, мансабдор шахсни ўзига хизмат киладиган хатти-ҳаракатларига эътибор қаратадилар.

В.С.Комиссаровнинг таърифиича, коррупция – бошқарув субъектларини ҳокимият ваколатларидан фойдаланишда шахсий манфаатларни хизмат манфаатларидан устун қўйиши тушунилади<sup>12</sup>.

Ижтимоий мақомдан, яъни лавозим, мансабдан фойдаланиш коррупциянинг бир кўриниши бўлади, лекин ягона кўриниш бўла олмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқда коррупциянинг ҳар томонлама мукамал таърифи мавжуд эмас. Коррупциянинг ушбу таърифи амалиётда кўп қўлланилади, “коррупция бу – давлат секторидаги мансабдор шахсининг ҳам сиёсатчилар, ҳам давлат хизматчиларининг ваколатларини суиистеъмол қилиши орқали ўзлари ёки уларнинг яқинларини асосиз ва ноқонуний бойиши билан боғлиқ ҳаракатлари ҳисобланади”. Бироқ мазкур таъриф хусусий сектордаги коррупцияни қамраб олмайди, шунинг учун кўпчилик ташкилотлар қуйидаги қисқа таърифидан фойдаланадилар “коррупция – шахсий даромад олиш учун давлат ва хусусий

сектордаги ваколатни суиистеъмол қилиш сифатида тушунилади”<sup>13</sup>.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим соҳасида коррупция тушунчасини аниқлаштириб оламиз.

**Олий таълим соҳасида коррупция** – олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси кўп қўлланишига қарамасдан унинг мукамал таърифи ишлаб чиқилмаган. Бу тушунча “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида келган<sup>14</sup>.

Коррупциявий хавф-хатарлар – коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган ёки уларнинг тарқалишига ҳисса қўшадиган ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади<sup>15</sup>. В.В.Астанин давлат хизматчиси давлат хизматини амалга оширишда белгиланган вазифалар, таъқиқлар ва чекловларга риоя қилмаслиги билан боғлиқ коррупциявий хулқ-атворларни давлат хизматидаги коррупциявий хавф-хатарлар деб

<sup>11</sup> Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.

<sup>12</sup> Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993. № 1. С. 26.

<sup>13</sup> Власенко Н. А., Цирин А. М., Спектор Е. И. Словарь-справочник. М, 2016. С. 82.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

<sup>15</sup> Балыков П.Н., Богданова Е.Л., Дорошкова О.А., Петерикова Ю.Е., Федотова М.В. Организация психологической работы антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации: методические рекомендации. - СПб., 2010



хисоблайди<sup>16</sup>. О.В.Казаченкова коррупциявий хавф-хатарларни давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладиган ҳолатлар, ҳодисалар ва омиллар деб таърифлайди<sup>17</sup>. Баъзи олимлар коррупциявий хавф-хатар тушунчасини коррупциявий муаммонинг синоними ёки давлат ва жамият фаолиятида кийинчиликлар келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳолашган<sup>18</sup>. В.Георгиев коррупциявий ҳаракатларнинг содир бўлишини эҳтимоллик даражаси деб баҳолаган<sup>19</sup>.

Фикримизча, коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини икки хил ёндашув асосида таърифи бериш мумкин.

*Биринчидан*, коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва шароитлар сифатида. Мисол учун, бошқарувда коррупциявий хусусиятлар мавжудлиги, яқин қариндошларни ўзаро бўйсинув асосида бир ташкилотда меҳнат қилиши ва бошқа ҳолатларни бунга мисол қилсак бўлади. Бу ҳолатлар коррупциявий ҳаракатлар содир этилиш эҳтимолини, яъни хавфини келтириб чиқариши мумкин.

*Иккинчидан*, коррупциявий хавф-хатарларни бевосита коррупциявий

ҳаракатлар содир этилиши натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар сифатида тушунишимиз мумкин. Масалан, коррупциянинг юқори даражаси натижасида давлатда юз берадиган иқтисодий инқироз, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмаслиги, сиёсий инқилоб ва бошқалар.

Демак, **олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар бу** – олий таълим соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари фаолият олиб бориши, давлат хизматчиларининг фаолияти жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш вазиятини яратадиган ҳамда улар натижасида ноҳуш оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар ҳисобланади.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасидан кейинги ўринда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг намоён бўлиш шаклларига эътибор қаратамиз.

Дастлаб, шакл тушунчасини ёритиб ўтсак, С.И.Ожегова шакл мазмуннинг ажралмас қисми бўлиб, унинг мавжудлигини таъминловчи, ифодаланишига хизмат қилувчи тушунча сифатида таърифлайди<sup>20</sup>. Д.Н.Ушаков эса,

<sup>16</sup> Методика экспертизы нормативных правовых актов органов государственной власти Калининградской области их проектов на коррупциогенность [Электронный ресурс]. - URL: [pravoteka.ru/docs/kaliningradsk](http://pravoteka.ru/docs/kaliningradsk).

<sup>17</sup> О.В. Казаченкова предлагает понимать под коррупционными рисками обстоятельства, факторы и явления, возникающие в процессе функционирования органов государственной власти, осуществления служебной деятельности государственных служащих, создающие ситуацию возможного совершения коррупционного правонарушения

<sup>18</sup> Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: науч.-практ. пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013.

<sup>19</sup> Georgiev, V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defence and Security. Journal of Defense Management, S3, 1-2. Retrieved from: <http://doi:10.4172/2167-0374.S3-e002>.

<sup>20</sup> Ожегов С. И. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ожегова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009. URL: <http://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=34006> (дата обращения: 04.03.2016).



шакл бу ташқи кўриниш, объектнинг кўриниши деб ҳисоблайди<sup>21</sup>.

## **Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари**

– олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг кўринишлари ҳисобланади.

Жумладан, К.С.Кузина олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг куйидаги шакллари кўрсатиб ўтган:

а) давлатга қарашли олий таълим муассасаларида бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши;

б) олий таълим муассасаларини акредитация қилиш учун пора бериш;

в) олий таълимга оид диплом ва бошқа ҳужжатларни ноқонуний усулда олиш;

г) танлов натижасини ҳисобга олмаган ҳолда олий таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш;

д) талабаларни баҳолаш жараёнидаги ўқитувчиларнинг коррупциявий товламачилиги;

е) ўқишни истамаган талабаларни ўқитувчиларга коррупциявий босим қилиши;

ж) ҳамкасблар ва раҳбариятнинг масъул ўқитувчиларга талабаларни қўллаб-қувватлаш масаласида коррупциявий босимлар ўтказиши<sup>22</sup>.

Мамлакатимиз мисолида олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг куйидаги шакллари келтириб ўтишимиз мумкин:

– олий таълим муассасасига кириш имтихонлари жараёнида коррупциявий ҳаракатларни содир қилиш;

– талабани таълим жараёнида баҳолаш бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– олий таълим муассасаларида талабаларнинг давомати бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– талабаларни ўқиш жойини кўчириши, ўқиш йўналишини ўзгартириши ҳамда ўқишга қайта тиклашида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– олий таълим муассасаларидаги илмий-тадқиқот фаолиятида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– бюджет маблағларининг сарфлаш жараёнидаги талон-торожликларга йўл қўйиш;

– олий таълим муассасасининг раҳбар ходимлари ва ҳамкасбларни масъул ўқитувчиларга коррупциявий босим ўтказиши;

– кадрларни лавозимга тайинлаш, уларни ишдан бўшатиш, молиявий рағбатлантиришда коррупциявий ҳаракатларни содир этиш.

Олий таълим соҳасида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарлик

<sup>21</sup>Ушаков Д. Н. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009 URL: <http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=82769> (дата обращения: 04.03.2016).

<sup>22</sup> Кузина К.С. Коррупция в сфере высшего профессионального образования на примере Омской

области: студенческий малый грант [Электронный ресурс] С. 10-11 // Центр научно-правовых инициатив Н.А. Лопашенко. Электрон. дан. [Б. м.], 2008-2016. URL: <http://www.sartracc.ru> (дата обращения: 10.03.2016).



шакллари турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Жумладан, коррупциявий манфаатни ким кўришига қараб **индивидуал ва институционал** кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар бўлиш мумкин. Индивидуал кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида якка шахс ёки шахслар манфаатдор бўлади. Мисол учун, пора эвазига олий таълим муассасига киритиб қўйиш, талабага пул эвазига ижобий баҳо қўйиш. Институционал кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида шахс ёки шахслар эмас, балки маълум соҳа вакиллари ёхуд маълум тузилма манфаатдор бўлади. Масалан, олий таълим муассасини пора бериш эвазига ноқонуний равишда давлат рўйхатидан ўтказиш.

Шунингдек, содир этиладиган коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигига кўра, **қонуний фаолият асосда ва ноқонуний фаолият асосида** амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатларга ажратиш мумкин. Қонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатлар доирасига олий таълим соҳасига алоқадор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини амалга ошириши давомида ҳолатга субъектив ёндашувлари асосида амалга оширилади. Масалан, ўқитувчининг таълим бериш жараёнида дўстининг фарзандига таълим стандартлари талабига жавоб бермасида, ижобий баҳо қўйиши қонуний фаолият асосида амалга оширилган коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ноқонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатлар олий таълим соҳасига алоқадор шахсларни қонуний

жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳаракатлар содир этиши тушунилади. Масалан, талабани пора эвазига бир таълим йўналишидан бошқасига кўчириш.

Бундан ташқари, олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилиши соҳаларига қараб, **олий таълим жараёнидаги, хизмат кўрсатиш ва бошқарув** соҳасидаги коррупциявий ҳаракатларга бўлиш мумкин. Талабаларни якуний баҳоларини моддий манфаатдорлик эвазига ижобий баҳолаш таълим жараёнидаги коррупцияга мисол бўлади. Академик таътил олган талабанинг ўқишини пора эвазига тиклаб бериш олий таълим хизматини кўрсатишдаги коррупциявий ҳаракат ҳисобланади. Олий таълим вазирлиги мансабдорини бирор номзодни олий таълим муассаси ректорилигига пора эвазига тайинлаши бошқарув соҳасидаги коррупциядир<sup>23</sup>.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларга қарши кураш учун, энг аввало, ушбу хавф-хатарларнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни мазкур соҳада амалга ошириладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Ҳар қандай касалликка қарши курашиш учун, аввало, ушбу касалликнинг хусусиятлари, инсон организмига салбий таъсирлари аниқлангандан сўнггина унга қарши курашиш чоралари кўрилади. Демак, олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ва бунинг натижасида келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг хусусиятларини аниқлаб олиб, кейинги босқичда унга қарши курашаш масалаларини кўриб чиқамиз.

<sup>23</sup> Osipian Ararat. Corruption in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.



Олий таълим соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида рўйхат сифатида бирор тадқиқотда келтирилмаган. Бу хусусиятлар олий таълим соҳасида коррупция бўйича тадқиқот ишларида умумий асосда келтириб ўтилган.

Шундай бўлса-да, соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар хусусиятларини тўлиқ келтиришга ҳаракат қиламиз, улар қуйидагилар:

*Биринчидан*, олий таълим муассасаларида коррупциявий муносабат субъектларининг кўплиги ва соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши юқорилиги ҳисобланади.

Жумладан, 2019 йил ҳолатига Республикада бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича 13 минг нафар талабалар бўлиб, 25.418 та профессор ўқитувчилар меҳнат фаолиятини олиб боради<sup>24</sup>. Мазкур субъектларнинг деярли ҳар кун манфаатлари тўқнашиши ва бу жараёнда инсон омилининг устунлиги коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш хавфи юқори бўлишига сабаб бўлади.

*Иккинчидан*, олий таълим муассасаларида талабаларни баҳолашга доир коррупциявий ҳолатларни кўзга кўринмаслиги, муносабат субъектлари ва жамоатчилик томонидан бу турдаги ҳаракатларни енгил турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаши ҳисобланади.

Хусусан, талабани пул бериб ёки таниш мансабдорларни орқали ижобий баҳо олиши ўқитувчи учун ҳам талаба учун жиноят даражасидаги ҳуқуқбузарлик

сифатида тасаввур қолдирмайди. Мазкур майда коррупциявий ҳаракатларни муттасил содир этилиши ўқитувчининг иш фаолиятида, талабанинг таълим олиш жараёнида улар учун бу ҳуқуқбузарликларни арзимас ахлоқий қоидабузиш деб эътироф этиши аини ҳақиқат.

*Учинчидан*, олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даврий асосда юз беришидир.

Жумладан, ҳар йили олий таълим муассасаларига кириш имтихонларини ўтказилиши, йилда икки марта жорий, якуний имтихонларини амалга оширилиши ва битириш курсларида давлат имтихонлари, битирув малакавий ишларни топширилиши бунга аниқ мисол бўла олади. Даврий асосда коррупциявий ўчоқларни юзага келиши ҳуқуқбузарлар учун узоқ ва пухта тайёргарликлар кўриш имкониятини яратади ҳамда бу соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни юқори бўлишига хизмат қилади.

*Тўртинчидан*, абитуриент ва талабаларнинг олий таълим даражасини олиши катта ҳаёт йўлидаги ҳал қилувчи нуқта, кўп эҳтимол билан унинг келажак йўлида кўприк бўлиши алоҳида бир хусусият ҳисобланади. Ушбу муҳим ҳаёт босқичида ижобий натижага қонуний йўл билан эриша олмаган шахслар коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини кучайтиради.

*Бешинчидан*, олий таълим соҳасидаги коррупция бўлажак кадрларда

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.





коррупциявий иллатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, талабанинг ўқитувчи билан тўғридан-тўғри коррупциявий муносабатларга киришиши уни саводсиз кадр бўлишига олиб келиши билан бир каторда, келгуси иш фаолиятида вазибаларини бажаришда ҳам коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ўргатиб боради. Зеро, соҳада коррупцияни авж олиши коррупцияга мойил бўлажак

кадрлар учун тажриба майдони бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда асосий таъдқиқот манбаси ҳисобланади. Шунинг учун коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни сабаб ва омилларини аниқ белгилаб олишга имкон беради.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

### I. Илмий адабиётлар ва мақолалар:

1. Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58.
2. Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
3. Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.
4. Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993.№ 1. С. 26.
5. Власенко Н. А., Цирин А. М., Спектор Е. И. Словарь-справочник. М, 2016. С. 82.
6. Балыков П.Н., Богданова Е.Л., Дорошкова О.А., Петерикова Ю.Е., Федотова М.В. Организация психологической работы антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации: методические рекомендации. - СПб., 2010
7. Методика экспертизы нормативных правовых актов органов государственной власти Калининградской области их проектов на коррупциогенность [Электронны ресурс] - pravoteka.ru/docs/kaliningradsk.
8. Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: науч.-практ. пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013.
9. Georgiev, V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defence and Security. Journal of Defense Management, S3, 1-2. Retrieved from: <http://doi: 10.4172/2167-0374.S3- e002>.



10. Ожегов С. И. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ожегова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009. URL: <http://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=34006> (дата обращения: 04.03.2016).
11. Ушаков Д. Н. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009 URL: <http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=82769> (дата обращения: 04.03.2016).
12. Кузина К.С. Коррупция в сфере высшего профессионального образования на примере Омской области: студенческий малый грант [Электронный ресурс] С. 10-11 // Центр научно-правовых инициатив Н.А. Лопашенко. Электрон. дан. [Б. м.], 2008-2016. URL: <http://www.sartraccs.ru> (дата обращения: 10.03.2016).
13. Osipian Ararat. Corruption in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.
14. О.В. Казаченкова предлагает понимать под коррупционными рисками обстоятельства, факторы и явления, возникающие в процессе функционирования органов государственной власти, осуществления служебной деятельности государственных служащих, создающие ситуацию возможного совершения коррупционного правонарушения.

## II. Норматив-хукукий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2013 й., 41-сон, 543-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

## III. WEB сайтлар:

1. Интернет манзили: <http://газета.uz>.
2. Интернет манзили: <http://uza.uz>.
3. Интернет манзили: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция>.